



ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 21 ноябр, сешанба № 168 (1000)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҒНА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

XXI

АСРГА 40 КУН ҚОЛДИ

Бу диёр жон каби бизга

ҳамнафас,
Меҳнат, бахт бағрида ёнма-ён,
эгиз.
Оталар сингари яшай олсак,
бас,
Шу азиз тупроққа тўкиб
меҳримиз.

ПРЕЗИДЕНТ ИТАЛИЯГА ЖўНАБ КЕТДИ

Италия иқтисодий жиҳатдан дунёнинг энг олди давлатларидан бири ҳисобланади. У «Катта еттилик», Европа Иттифоқи, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти каби кўплаб нуфузли тузилмаларнинг катта салоҳиятга эга бўлган аъзоси. Италия халқаро иқтисодий интеграция жараёнларини ривожлантириш, минтақаларда тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш борасидаги кўплаб тadbирларда фаол иштирок этмоқда.



У сўнги йилларда айниқса иқтисодий соҳада катта ютуқларга эришяптир. Хусусан, ҳозир ишлаб чиқариш бўйича дунёда олтинчи ўринда тургани, мамлакатда ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш борасидаги улкан ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда мамлакатдаги мавжуд корхоналарнинг элик фонизи шу икки тармоққа тегишли.

20 ноябр куни, расмий ташриф билан Италия Республикасига жўнаб кетар экан, Ўзбекистон Президентини Ислам Каримов журналистларга берган интервьюсида шуларни алоҳида таъкидлади. Жумладан, Ўзбекистон билан Италия ўртасида ўрта ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш мўҳим аҳамиятга эгаллигини ва мазкур давлат тажрибалиридан кенгрок фойдаланиш лозимлигини айтиди.

- Италия билан ўзаро алоқаларимиз ҳар томонлама тобора ривожланиб бормоқда, - деди Президент. - Италия раҳбарларининг юртимизга ташрифи, Ўзбекистон раҳбарияти делегацияларининг Италияга сафарлари асосида кўплаб ҳужжатлар имзоланган, ҳамкорлигимизнинг мустақкам ҳуқуқий асоси яратилган.

Хусусан, ҳозир юртимизда олтимшдан ортик ўзбекистон-Италия кўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар ен-

гил саноат, озиқ-овқат маҳсулотлари, мебел ишлаб чиқариш, транспорт ҳамда сайёҳлик соҳаларини ривожлантириш билан шуғулланаётган.

Ислам Каримовнинг Италияга бу галги - иккинчи расмий ташрифи чоғида ўнга яқин ҳужжат имзоланиши кутилмоқда. Улар, асосан, икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришга қаратилган. Шунингдек, уюшган жиноятчилик, террорчилик ва наркобизнесга қарши ҳамкорликда кураш бўйича ҳам ҳужжат имзолаш режалаштирилган. Ташриф доирасида Италиянинг янги раҳбари Президент Карло Адзелио Чампи, шунингдек, ҳукумат ва парламент аъзолари, ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашувлар ўтказилади. Интервью сўнггида

мамлакатимиз раҳбари ўзининг Италияга мазкур ташрифи икки томонлама алоқаларни янги бошқича кўтаришига умид билдирди. Зеро, президентимиз таъкидлаганидек, Италия томони ҳам Ўзбекистон билан муносабатларни янада мустақкамлашга катта қизиқиш билан қармоқда.

РАВШАН МАХМУДОВ,
ЎЗА МУХБИРИ.
ДИЛШОУ ЮСУПОВ
(ЎЗА) олган сурат.

Азиз муштарий, кўлингизда газетамизнинг навбатдаги сони. Аммо у биз — журналистлар учун гоят қадри, ардоқли. Бойси, «ISHONCH»нинг 1000 сони олам юзини кўрди. Бундай қувончли онлар мулоҳаза, мушоҳада юритиш учун бир баҳона.

«ISHONCH»нинг 1000-СОНИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси газетаси 1991 йил 21 мартдан буён чоп этиб келинмоқда. Асосий ниятларидан бири — энг оммавий жамоат ташкилоти шиори бўлмиш меҳнатқашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячисига айланади. Бу ёруғ жаҳонда инсондан азизи, ҳаётдан ширини йўқ. Аллоҳимиз таъбири билан айтганда, боши фалакка тенгдир, мағрурдир инсон! Не бахтки, истиклол кадр-қимматимизни ўрнига қўйди. Ўзлимиз, ўзбекигимиздан фахрланиб, қадимизни гоз тутиб, она заминимизда эмин-эркин яшаш, меҳнат қилиш, жаҳонга юз тутиш имконига эга бўлдик.

Бироқ, очигини айтганда, ҳали-ҳануз собиқ иттифоқ даврининг онгу шуғримизга сингган сарқитларидан тўла халос бўлганимиз йўқ. Бу янада яқин яшашимизга, кўпроқ ютуқларга эришишимизга тўғноқ бўлаётган боқимандалик, тўрачилик, ўз мансабини суниетсизмол қилиш, қонуни менсимаслик каби иллатларда кўзга ташланмоқда. Оқибат-натijaда баъзи ерларда меҳнатқашлар ҳақ-ҳуқуқи топталмоқда. Шундай пайтларда «ISHONCH» адолатли сўзини айтиб, меҳнатқашларга қалқон бўлишга баҳоли-қудрат ҳаракат қилапти.

Тахрират ўтган ўн ойда 1999 йилнинг шу даврига нисбатан 204 та кўп хат олди. Улар орасида кўнун бузарлик, тadbиркор йўлига сунъий тўсиқ қўйиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ арзномалар бор. Баъзи кишилар эса тўғридан-тўғри тахриратга мурожаат қилишмоқда.

... Хузуримизга чекраси синикчан, тушкун кайфиятдаги инсон — Сайхунбоддаги «Аҳмат» фермер хўжалиги раҳбари Х.Норбоев кириб келди. У тadbиркорлар савфига биринчилар қаторида қўшилиб, ўзига ҳам, давлатга ҳам катта наф келтираётганини таъкидлади. Бироқ, қўлида қўшимча ер олиш ҳақида ҳужжатлар бўлишига қарамай, туман мутасаддилари унинг ҳақи талабини узоқ вақтдан буён қондирмай, сарсон қилишаётган экан.

Шикоят йўлга чорлади. Журналистлар туман ҳокимлиги, ҳужалик ва маҳалларда бўлиб, тadbиркорга нисбатан адолатсизлик

тахлилий мақолаларни мунтазам чоп этмоқда. Жумладан, 26 сентябр сонида Фалларол машина-трактор паркида иш издан чиққанлиги, маош берилмаётганилиги ишловчиларнинг ҳақи эътирозларига сабаб бўлаётганлиги, ташвишли ҳол юзага келишининг сабаблари ва сабоқлари хусусида чиқиш қилинди. Бу кутилган натижани берди. Туман ҳокимлиги айбдорлар фаолиятига муносиб баҳо бериб, ойлик маошдан қарздорликни тўла узиш юзасидан аниқ тadbирлар белгилади. Ҳозирда улар кўнундагидек амалга оширилмоқда.

Шунингдек, журналистлар аралашуви билан «Жиззахтранс»га қарашли 21-26-автокорхона, Бухородаги «Табнат саховати» акционерлик жамияти, Сарносиддаги «Шарғун» гишт заводидаги камчиликлар барҳам топди.

Биз газетанинг асосан бир йўналишдаги фаолияти, унинг самаралари ҳақида фикр юритдик. Аслида, Президент Фармонлари, Вазири Бирок, яширишнинг ҳождати йўқ, баъзи фуқаролар, раҳбару мутахассисларда ҳуқуқий саводхонлик кутилган даражада эмас. Амалдаги қонунларимизни яқин билмаслик нотўғри қарорлар қабул қилиш, буйруқлар чиқаришга сабаб бўлапти. Масалан, Андижон вилояти «Экосан» бўлимининг етакчи мутахассиси М.Қосимованинг тўғрисидаги камчиликларга нисбатан муросансизлиги кимларгадир ёқмади. Пировардида ноҳақ ишдан бўшатилди. КУФК мутахассислари ва журналистлар аралашуvidан сўнг у ўз ўрнига қайта тикланди. Шунингдек, тошкентлик О.Рўзметова, В.Жаркова, зафарободлик Й.Турсунов, фарғоналик А.Аҳмедов, навоийлик Н.Третьякова, денювлик Б.Файзуллаева, қумқўрганлик Т.Раимқуловлар касаба уюшмалари ва «ISHONCH» газетаси аралашуvidан сўнг кадрдон жамоаларида қайтадан ишлаб бошладилар. Уларнинг мажбурий бекор юрган кунлари учун маблағ ундириб берилди.

Ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, айрим етакчилар бозор шароитида ишлашга ўзларини тайёрлаш олмадилар. Етарли билим, омилкорлик, қатъиятлик етишмаётганлиги боис, қайсидир корхона, ташкилотлар инжурозга юз тутмоқда. Ойлик маош вақтида берилмаётган жойлар бор. Газета бу каби камчиликларни бартараф этишга ҳисса қўйиш ниятида «Ишонч бонг уради», «Ойлик маош кечикмоқда, касабакўми нега жим?», «Шикоят текирилдди, адолат ўрнатилди», «Ислохот йўлидаги го» каби сарлаҳа ва рунклар остида танқидий,

ЎЗБЕКИСТОН - ИТАЛИЯ КЎШМА КОРХОНАСИДА

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Италия билан ҳамкорликдаги 6 та кўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Урганч пойабзал фабрикаси уларнинг бири. Саломатлик цехларга кириб бораркансиз, замонавий технологияни ўзимизнинг йиғит ва қизлар бошқаришаётганини кўриб, дилдан кубонасиз. Корхона иқтисодчиси Гавҳар Жуманованинг таъкидлашича, сўнги ойларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортди, унинг сифати яқшиланди. Харидорга тақдим этилаётган эркаклар пойабзали ўзининг пишиқ-пухталиги, бежиримлиги билан ажралиб туради.

Кўшма корхонада меҳнат интизоми қатъий йўлга қўйилган. Сифат учун ҳамма бирдек қайғуради. Касаба уюшма кўмитаси меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг сигналлар омилидан унумли фойдаланмоқда. Ҳар бир ишчининг ўртача ойлик маоши 11 минг сўмни ташкил этмоқда. Саломатлик маскани фаолияти ҳам мақташга арзигулик. Энг мўҳими, ишчи-хизматчилар кўтаринки кайфиятда меҳнат қилмоқдалар. Сайёра Рўзиметова, Муқаддас Воисова, Алишер Курбанов каби ўз ишининг усталари юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда барчага намуна бўлишапти. Бу ерда жорий йилнинг ўн ойи ичида 255 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари халқимизга тақдим этилди.

И.МАШАРИПОВА,
ишчи.

Тахриратга келаётган ҳар бир хат алоҳида эътиборда. Айримларида истиклол берган имкон, қишлоқларимизда бўлаётган ўзгаришлар, Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган инсонпарварлик сиёсатидан мамнунлик изҳор этилган бўлса, бошқаларида тараққиётга тўғноқ бўлаётган камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар қаламга олинган. Улар қаторида «Ишонч»га обуна ҳақидаги хабарлар ижодий жамоани гоят қувонтиради. Чунки, айнан обунада юксак дидли газетaxon муносабати, қизиқиши ва ишончи ўз ифодасини топган.

ОБУНА - ЭНГ ЯҚИН МУКОФОТ!

Хоразм вилоят Агрорасаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кўмитаси «Ишонч» газетасига ёзилишни уюштиришда энг яқини кўрсаткичга эришган, яъни 60 та обуна қилган Гулран тумани агрорасаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кўмитасига белгиланган пул мукофотини топширди. Бунда Жумавой Қозоқов, Соли Хайитметов, Махмуд Ражабовлар етакчилиги қилаётган бошланғич ташкилотлар кўшган ҳисса салмоқлидир.

— Газета саҳифаларида мунтазам бериб борилаётган «Хуқуқий маслаҳатхона»нинг бизга фойдаси катта бўлапти, - дейди «Деҳқонбод» жамоа хўжалиги фаолларидан бири Искандар Курбанбоев. - Шу билан бирга одамийлик, меҳру оқибат, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари иш тажрибаси, чекка қишлоқларда спортнинг аҳволи

ва ижтимоий ҳимоя ҳақида кўпроқ ёзиш керак.

Ҳозир газеталар сони кўп. Табиийки, муштарий улар орасидан энг яқинини танлаб ўқийди. Демак, рақобатнинг кучайганлиги журналистлар зиммасидаги масъулиятни янада оширади. Бошқа матбуот нашрлари қатори Қорақалпоғистон Республикасида «Ишонч»нинг ҳам ўз мухлислари бор. Унга қизиқиш ортмоқда. Масалан, Элиқалъа туман агрорасаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кўмитаси томонидан ушбу нашрга ўтган йилнинг шу даврида 40 та обуна ташкил этилган бўлса, жорий йилда бу курсаткич 75 тани ташкил этди.

Бухоро вилоят Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма кўмитаси тахрират жамоасини «Ишонч»нинг 1000 сони чиқиши муносабати билан кўтлайди. Бугунга қадар тизимга

Тўхфа ҚИШЛОҚ КЎРКИ

Қамаши туманининг Карвон қишлоғида 315 ўринли мактаб биноси қад ростлади. Энди қишлоқ болалари барча қулайликларга эга бўлган замонавий ўқув даргоҳига эга бўлди.

Қурувчилар ёш авлодга муносиб совға бўлисин, деб астойдил меҳнат қилдилар. Мактаб биноси 45 кунда қуриб битказилди.

Хуллас, «Фарғона» жамоа хўжалиги меҳнатқашларининг хурсандчилиги чексиз. Қишлоққа кўрк бағишлаб турган ушбу бино бугун ўқувчилар билан гавжум. Ота-оналар эса ўтганда ҳам, қайтадан ҳам деразалари ярқираб турган бу ҳашаматли илм масканига ҳавас билан қарашади.

Лойка қишлоғида яна бир мактаб биноси қурилиши бошлаб юборилди. Замонавий 320 ўринли бу бинони йил охирига қадар ўқувчиларга янги аср совғаси сифатида топшириш мўлжалланган.

Шинам охинона, ажойиб спорт иншоотлари билан бунёд этиладиган мазкур энг маскани қишлоқнинг кўрки бўлишига шубҳа йўқ.

Ғайрат ПУЛАТОВ.

қарашли бошланғич ташкилотларнинг 60 таси семимли нашримизга обуна бўлди. Эътиборлиси шуки, вилоят кўмитаси Қизил Ярим Ой жамяти патологик анатомияси бюроси, 2 та Меҳрибонлик уйини ўз маблағи ҳисобидан обуна бўлишларини таъминлади.

Олтинсўй тумани ҳокими Рустам Алимов: газета ва журналларга 2001 йил учун ёзилишни ташкил этиш ушшоқлик билан бормоқда. «Халқ сўзи», «Мазрифат», «Мулкдор», «Ишонч» газеталари мухлислари ортиб бораётганлигининг гувоҳи бўляпмиз. Хусусан, «Ишонч»га ҳаммаси бўлиб 200 та обуна бўлинди. Бу рақам 250 дан кам бўлмайди. Тумандаги Улугбек номли «Қорлик», Бобур номли, «Сайрак» ширкат хўжалиқларида бу мўҳим иш ушшоқлик билан олиб борилмақда.

«Конмит» ўзбек-инглиз кўшма корхонаси маҳсулотларига мамлакатимизда харидорлар тобора кўпайиб бормоқда. Ишчиларнинг аксарияти хотин-қизлардир. Корхонада уларнинг унумли ишлаб, яқин ҳордиқ чиқаришлари учун шароитлар мўҳайё этилган.



Суратларда: (chapдан) 1. Илгор ишчилар С.Сайдаметова, Ф.Маҳкамова ва Д.Мирзахўжаевлар ўзларини қизқитирган мақола хусусида фикрлашмоқда. 2.Ўз касбининг устаси Ф.Расулова. Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.

МЕХНАТКАШ МАНФААТИ — БИРЛАМЧИ

Ижтимоий ҳимоя

Ишиниз шунақа: нимага қўл урмайлик, қай муаммо устида бош қотирмайлик — барибир диққат марказида меҳнаткаш манфаати туради. Бу — табиий. Узро ишонч ришталари шу тахлит мустаҳкамланади, узвий уйғунлик касб этади. Лекин, бу — ҳаёт. Хар нарса бўлиши мумкин. Кувончли онлар ҳам, серташвиш дамлар ҳам.

вақтида олишларига кўп нарса боғлиқ. Эътироф этиш керак, имкон даражасида бунга эришилапти ҳам. Мукофот ва устама пуллар олаётган, акциялари ҳисобидан олган дивидентлари йил сайин ортиб бораётган илгор ташкилот-

Шундай лаҳзаларда инсон ёлғизланиб қолмаслиги керак ва айтиш жоизки, касаба уюшмалари ана шу масъулият даражасида бўлишга интилиб келмоқда, маълум маънода бунга эришмоқда ҳам. Атоқли адибимиз Абдулла Қодирийнинг «Утган кунлар» асаринда зикр этилган «Бу даргоҳдан ҳеч кимса норози кетмасин» деган сўзлар фаолиятимиз мазмунига айланган, десам муболага эмас.

Байрамлар ўз йўлига — биз доим, ҳар кун, ҳар асно одамларга гамхўрлик кўрсатиш, йўл-йўриқ бериш, зарур бўлганда, уларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш учун қалқон вазифасини ўтамоққа йўналтирилганмиз.

Бундай воқеалар эса, афсуски, юз бериб туради. Жарқўрган газ корхонаси ишчиси Саидмурод Бобоев тинчгина ишлаб юрган эди. Нима бўлди-ю, ҳеч бир оғохлантиришсиз кўча эшикни кўрсатишди. Нега, қайси айби учун? Албатта, у бу саволларга жавоб олишга ҳақиқи эди. Ишчи ўз ҳуқуқини талаб қилиб сигналларни ҳимоячиси — касаба уюшмасига мурожаат этди. Тахлиллар учун асосий бўлаётган ишларни тасдиқлади. С.Бобоев аввал ишлаб турган ўрнига тикланди, ҳақиқат қарор топди.

Энг қизиғи, бундай

ҳақсизликка туппа-тузуқ лавозим эгалари ҳам учраб туришади. Ташкент шаҳар хусусий уй-жой ҳўжалиги мудираси З.Расулова, мисолида биз шундай ҳолатга дуч келдик. Умуман олганда, ҳуқуқи топталганлигини баён қилиб Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари Марказий кўмитасига мурожаат қилган 35 кишини ўз иш жойига қайтаришга муваффақ бўлинди. Шунингдек, 134 нафар ишчи ва хизматчиларнинг аризалари кўриб чиқилиб, тегишли чоралар кўрилди. Кези келганда, аризаларнинг 45 таси аёллардан тушганлигига эътиборингизни қаратишни истардим. Бу, бир томондан, уларнинг фаолигини билдирса, иккинчи томондан, ҳамон иш тақсмоти билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилаётганда мутасаддилар ноҳолис муносабатда бўлаётганликларини исботлайди. Бунга эса асло йўл қўйиб бўлмайди.

Инсон қадр топган жойига меҳр қўяди. Касаба уюшмалари ҳам ҳар ким кўнган жойида кўним топиши, кексаларимиз айтганидек, тўп қўйиб, палак ёзишларининг, ўз корхона ва муассасалари шаъни учун астойдил бел боғлаб меҳнат қилишлари тарафдори. Чунки, рағбат сўнмаган ҳолдагина унумдорлик ҳақида сўз юритиш мумкин. Шу маънода ишчи-ходимларнинг иш ҳақини ўз



лар оз эмас. Аммо, бунинг аксича ҳолатда қолган корхоналар ҳам борки, у бизни ташвишга солмоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда, ўтган давр мобайнида тармоқда иш ҳақидан қарздорлик 1,4 миллиард сўмни ташкил этади. Вазирлик юзага келган ҳолатдан қутилиш чораларини кўришни тақозо этмоқдаки ва биз бу йўналишда, ҳуқуқсунан, Андижон, Сурхондарё, Ташкент вилояти ва шаҳрида фаолиятимизни кучайтириб юбордик.

Аслини олганда ҳал бўлмайдиган муаммонинг ўзи йўқ. Қаловини топса қор ҳам ёғади, деб бежиз айтмайди. Эътироф этишимиз жоизки, бунда биз ўз жонажон нашримиз «Ишонч» газетасига катта умид боғлаганмиз. Муштарак мақсадлар

Маммура ОДИЛОВА, Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитаси раиси.



Бекобод шаҳрининг 14-даҳасида «Саҳоват» деб номланган ногиронлар боғча-мактаби ишга туширилди. У Жанубий Кореянинг халқаро ҳайрия жағғармаси ҳомийлигида бунёд этилди. Дастлаб мазкур масканга 60 нафар бола қабул қилиб олинди.

Суратда: «Саҳоват» боғча-мактабининг очилиш тантаналаридан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Ташаббус сўнмасин, ташаббус ўлмасин! МУКОФОТГА ТЕЛЕВИЗОР, СИҲАТГОҲГА ЙЎЛЛАНМА

Ишчи-хизматчилар манфаатларини таъминлашда жамоа шартномаларининг роли катта. Буни ўз фаолиятимиз мисолида аққол ҳис этишимиз. Ҳиссдорлик жамиятимизда меъёрий ҳужжат ҳар бир бандининг ихроси алоҳида назоратта олинган. Бу борада касаба уюшма аъзоларидан сайланган ишчи гуруҳи ибратли фаолият юритилди.

Иқтисодий ислохотлар шарофати ила бир қатор янгиликка қўл урилди. Ишчиларга гамхўрлик қўчайди. Маданий-маиший хизмат яхшилланиб бормоқда. Масалан, ишловчиларга бепул иссиқ овқат берилади. Бунинг учун маъмурият ўн ой ичида 3,5 миллион сўмга яқин маблағ сарфлади. Махсус кийим-кечак, пойабзал билан тўла таъминланганмиз. Мунтазам равишда тиббий хизмат ташкил этилган.

Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг синалган омиллари амалиётга жорий этилмоқда. Маъмурият ва касаба уюшма кўмитаси бу борада янги-янги ташаббуслар билан чиқилди. Масалан, йил охирида энг яхши ҳиссдорлик эришган зарбдорларга телевизор ҳамда сиҳатгоҳларга бепул йўлланмалар топширилмоқда.

Ишдан сўнг футбол, теннис, волейбол мусобақаларида иштирок этамиз. Яқинда маъмурият бу каби тадбирлар учун 1 миллион 42 миң сўм маблағ ўтказганлигини эшитиб, янада қувондик. Бизда ишчилар қатъий жадвал асосида мундир таътилга чиқарилади. Эҳтиётмандларга бир ойлик маош миқдорига моддий мадад ҳамда қўшимча таътил олиш имконияти яратилган.

Касаба уюшма кўмитаси яхши бир қарор қабул қилди. Яъни, турли жағғармаларга баҳоли-қудрат маблағ ажратилмоқда. Биз инсон омилига катта эътибор берилаётган ажойиб ҳиссдорлик жамиятида ишлаётганимиздан фخرланамиз.

С.ИМОНОВА,

«Денов» ҳиссдорлик жамияти ишчиси.

ХАВФСИЗ ИШ ШАРОИТИ

Кейинги икки йил ичида Гулистон ёғ-экстракция заводида ишлаб-чиқариш билан боғлиқ кўнгилсиз ҳолат қайт этилди. Бунга қандай эришилмоқда?

Корхонада бўлиб меҳнат муҳофазасига дахлдор ишлар билан танишдик. Хавфсиз иш шароити яратиш, ишчи-хизматчилар саломатлигини асраб-авайлаш борасида алоҳида гамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Эътиборли томони шундаки, завод маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси бу борада ташаббусни ўз қўлига олган.

— Жамоамиз иқтисо-

дий салоҳиятининг юксалиши ишчи-хизматчилар саъий-ҳаракатига боғлиқ. Жамоа шартномасида меҳнат муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилган. — Хавфсиз иш ўринлари яратиш учун маблағ аямлапти. Утган йили ана шу мақсадга 5 миллион 915 миң сўм сарфланган бўлса, шу йилнинг ўтган '9 ойда 6 миллион сўм ажратилди.

Дарҳақиқат, мавжуд 16 та цехда унумли ишлаш ва ҳордиқ чиқариш учун барча имконият бор. Техника хавфсизлигига оид кўргазмалар воситалар етарли, 180 нафар аёлга алоҳида имтиёзлар яратилган. Завод қошида 20 ўринли профилактика ишлаб турибди. Бу ерда ишчилар истакан пайтада ўз саломатликларини мустаҳкамлайдилар. Зарарли шароитларда ишларига разм солдингизми? Илгари ёғ босган, кўримсиз бўларди. Энди-чи? Ҳаммаси озода, иш ўринлари саранжом-сарийшта.

Заводда бўлган киши нафақат ишчилар, балки мижозлар учун ҳам қулайликлар яратилганлигини пайқамасдан қолмайди. Цехларни кўздан кечирдик. — Қарийб ўн йилдан буён шу ерда ишлайман, — дейди чилангар Аҳмад Худойбердиев. — Гапнинг рости кейинги уч-тўрт йилда катта ўзгаришлар бўлди. Ишчиларнинг кийим-бошларига разм солдингизми? Илгари ёғ босган, кўримсиз бўларди. Энди-чи? Ҳаммаси озода, иш ўринлари саранжом-сарийшта.

Цехлардаги ҳавонини муттасил назорат қилиб ботаман, — дейди лаборант Дилфуза Ботирова. — Барча касалликлар манбаи чанг, губор. Ҳавонинг зарарланishi даражаси ортган жойда дарҳол иш тўхтатилади. Тезда мўтадиллаштириш чоралари кўрилади. Шу боис ишчилар ўзларига яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, кун сайин баракали меҳнат қилмоқдалар.

Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири.

БИР ПИЁЛА ЧОЙ БАҲОНА

Кизилтепа туманида қизиқарли тадбир ўтказилди. Унда туман бизнес мактабининг 600 нафар талабаси қатнашди.

Мазкур тадбир Навоий вилоят АСМ, вилоят таълим ва фан ҳамда давлат муассасалари, жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмалари кўмиталари томонидан ташкил этилди.

Бир пиёла чой баҳона дастурхон атрофида ёшлар олдига турган долзарб вазифалар, ҳозирги кун муаммолари хусусида атрофлича фикр-мулоҳаза юритилди, қимматли тақлифлар билдирилди. Ишчанлик руҳида ўтган мулоқот якунида санъаткорлар ўз чиқишлари билан йиғилганлар кўтаринчилик бахш этдилар. Шунингдек, пахта йиғим-теримида пешқадимлик қилган ёшлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Т.ЙҮЛДОШЕВ, Навоий вилоят АСМ ходимлари касаба уюшма кўмитаси раиси.

Тахририятга Жиззахдан мактублар

ГАЗЕТА: АДОЛАТНИ ТИКЛАДИ

М.Калонова — Жиззах вилоят ер тузиш бошқармаси ходими:

— Адолатсизликка учраб, ноҳақ ишдан бўшатилганимда жуда кўп идораларга, бообру кишилар олдига ёрдам сўраб бордим. Лекин фақат «Ишонч» газетаси жонимга оро кирди. Журналистлар касаба вакиллари билан астойдил ҳаракат қилиб, ҳақ-ҳуқуқимни тиклашди. Мажбуран бекор юрган кунларим учун тўлиқ иш ҳақи олдим.

Ҳозир қадрдон жамоамда эмин-эркин ишлаб юрибман. Меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси бўлаётган газета журналистларидан бир умрга миннатдорман.

Х.Мамбетов — Жиззах шаҳар тадбиркорлар палатаси раиси:

— «Халқ сўзи», «Мулкдор» газеталарини ҳамisha севиб ўқийман. «Ишонч» ҳам юрагимга жуда яқин. Сабаби, у менга бир умр эсдан чиқмайдиган яхшилиқ килди. Ҳаёт қизиқ экан, қонунни яхши билмайдиган мутасаддилар мени ишдан нотўғри бўшатишди. Шунда ўз вазифамга қайта тикланишимда «Ишонч» рўзномаси журналистларининг қатъиятлиги, матбуот сўзининг таъсирчанлиги муҳим рол ўйнади.

Тахририятимизга бундай мазмундаги хатлар бошқа вилоятлардан ҳам келиб туради.

МАОШИМИЗНИ УНДИРИБ БЕРДИ

А.Токарев — ишчи: — Газета аралашуvidан сўнг «Уздунробита» кўшма корхонасининг Жиззах бўлиmidан 22,5 миң сўм иш ҳақимни ундириб олдим. Ҳақ-ҳуқуқимизни билши, уни ҳимоя қила олишда «Ишонч» саҳифаларида чоп этилаётган «Хуқуқий маслаҳатхона»нинг роли катта бўлапти.

С.Отабоев — Жиззах таксопарк ҳиссдорлик жамияти ҳайдовчиси:

— Узоқ йиллардан буён ҳайдовчилик қиламан. Сўнгги ойлarda маошимни ололмай, оила аъзоларим билан қийналиб қолдим. Шунда ҳамкасбларим «Ишонч»га мурожаат қилишни маслаҳат беришди. Дўстларим маслаҳати асосида иш юрийтиб, янгиликларни билганим билан қалами ўткир ижодкорлар мутасадди ташкилотлар билан ҳамжиҳатликда масалани қўндаланг қўйиб, 38 миң сўм маошимни ундириб беришди. Бунинг учун журналистлардан миннатдорман.

АСКАРЛАРНИНГ ҲУҚУҚИ ТАРБИЯСИ

Улуғ саркарда Амир Темур бобомизнинг «Лашкари қувватли мамлакат бой бўлур, бой мамлакатнинг лашкари қувватли бўлур», деб айтган доно гапи кўпчиликка маълум. Янги асрда ривожланган мамлакатлар каторидан ўзига жой ҳозирлаётган юртимизнинг яқин келажакда бой мамлакатлардан бирига айланишига шубҳа йўқ. Бас, шундай экан, унинг лашкари ҳам бенеҳсон, бакуват бўлиши шарт. Албатта, янги асрда аскар замонавий курол-аслаҳани моҳирона бошқара олиши, юксак маънавий савия ҳамда ҳуқуқий салоҳиятга ҳам эга бўлиши керак.

Республика Ҳарбий прокуратурасидаги офицерларнинг бу борадаги фикрлари ана шундай. Шунинг учун ҳам улар аскарлар билан тез-тез ҳуқуқий мавзуларда суҳбатлар ўтказмоқда. Ана шундай жонли учрашувлардан бири яқинда Наманганда бўлиб ўтди. Унда ҳарбий қисм аскарларида ватанпарварлик хусусида, айрим ақидапарастлик оқимлари таъсирига тушиб қолган ёшларнинг аянчли тақдирлари тўғрисидаги жонли суҳбат катта таассурот қолдирди. Мулоқот чоғида бу борада вақтли матбуот катта ўрин тутуши таъкидланди.

Республика Ҳарбий прокуратурасидаги маъсул ходимларнинг айтишларига қараганда, бу каби учрашувлар Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, Чегара қўшинлари ҳарбий қисмлари шахсий таркиби билан ҳам домий равишда ўтказиб келинмоқда.

(ЎЗА).

«Ишонч» бонг уради

ТЎРТ ОЙДИРКИ ОЙЛИК ЙЎҚ КАСАБА УЮШМАСИ НЕГА ЖИМ?

Бундан икки йил аввал Шўрчи пахта тозалаш очик турдаги ҳиссдорлик жамияти касаба уюшма кўмитаси фаолияти билан танишганимизда, унинг раиси Файзулла Курбоннов ишлар ўлжа-жўдалигидан нима деярини билолмай қолганди.

Жамоада муҳит яхшилик хиссдорлик жамиятида кетма-кет раҳбарлар алмашибди. Бирок, касабакўм раиси Файзулла Курбоннов «ўз жойида» экан. Ҳиссдорлик жамиятида 700 нафарга яқин киши меҳнат қилади. Одамларнинг машқи паст. Сабаби, иш олдинга босиб ўрнига баттар орқага кетибди. Тўрт ойдан буён маош берилмаётган экан. Сабаби, мутасадди

раҳбарларда салоҳият, ташкилотчилик етишмаётди. Ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, янги технологияни қўллаш юзасидан белгиланган тадбирлар бажарилмай қорозда қолган. Қарангки, ана шундай шароитда корхона касаба уюшма кўмитаси маъмурият олдида масалани қўндаланг қўйиб, ишчи-хизматчилар мушкулени осон этиш ўрнига мурасасозлик йўлини тутган. Бу ерда жамоа шартномаси, «Соғлом авлод йили» Дастурини амалга ошириш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланмаган. Равшанки, омилкор, изла-

нувчан ва ташаббускор кишилар бозор талабидан келиб чиққан ҳолда фаолият юритмоқдалар. Улар иқтисодиётни юксалтиришнинг ҳар бир имкониятидан унумли фойдаланишарпти. Бироқ, мазкур ҳиссдорлик жамиятида ҳали ёрдамчи ҳўжаликни ривожлантириш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган цехларни қуриш ҳақида ўйлаб ҳам қўришмаган. Оқибат-натияжада ишчиларга жабр бўлапти. Ахир, ойлик маош олмаётган меҳнатчининг қандай қилиб қули ишга борсин.

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири.

РЕЙТЕР ҲУДУДИ КЕНГАЙМОҚДА

Ташкентда Рейтер халқаро ахборот агентлиги Шарқий Европа бўлими (Reuters Eastern Europe Limited)нинг ваколатхонаси очилди. Миллий матбуот марказида ўтказилган агентлик вакиллари иштирокидаги матбуот анжумани ана шу тадбирга бағишланди.

— Рейтер агентлиги кенг омма ва дунё молия бозорларининг иштирокчиларига ахборот етказиб берувчи жаҳондаги етакчи компания ҳисобланади, — деди анжуманда сўзга чиққан МДХ мамлакатлари бўйича Рейтер агентлигининг директори Михаил Бронятовски. — Ахборотларимиз асосан йирек банклар, корхоналар, инвестиция компаниялари учун мўлжалланган бўлиб, дунё бозорларидаги аҳволнинг шарҳлари ва таҳлилини ўз ичига олувчи аналитиклардан иборат. Шу билан бирга агентлик газета, журнал, телевидение ва радио учун дунёда юз бераётган воқеалар тўғрисидаги ахборотларни ҳам етказди.

Рейтер агентлиги ваколатхонасининг ўзбекистонда очилиши биз учун муҳим ҳодисадир, чунки мамлакатимизда ҳам обуначиларимиз мавжуд, таъкидлади М.Бронятовски. Шулардан Ўзбекистон Миллий банки МДХ бўйича 10 та энг йирек мижозларимиз қаторига қиради. Бундан ташқари, «Онлайн» тизимидаги ахборотлардан Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Макроиқтисодий ва статистика вазирлиги каби ташкилотлар ҳам фойдаланишади.

«Туркистон-пресс».

Энг катта савоб

МЕҲРИБОНЛИК УЙИГА ЖУРНАЛИСТЛАР СОВҒАСИ

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 21-Меҳрибонлик уйида 221 нафар ўғил ва қизлар тарбияланмоқда. Барчалари омилкор раҳбар Алла Демчукни она дейишади. Тарбиячи мураббийлар болалар атрофида парвона. Бу ерда уларнинг унм-ўсишлари учун ҳукуматимиз томонидан барча шароит муҳайё этилган. Болалар фақат битта нарсага — меҳрга ташна, холос...

Ушбу маскан «Ишонч» газетаси журналистлари учун ҳам кадрдон бўлиб қолган. Боиси Меҳрибонлик уйи ҳаёти, болаларнинг ўқишлари, беминнат ёрдам кўрсатаётган савобатпеша инсонлар, боринги, баъзи муаммолар ҳусусида туркум мақолалар эълон қилиб келинмоқда. Қувончлиси шуки, ушбу чиқишларимиз туртки бўлиб, баъзи болалар ўз яқинлари бағрига қайтишибди.

— 11 ёшли Сетора Баниёзова жуда чиroyли, ақлли қизалоқ эди, — дейди Алла Демчук. — Газетангизда таъсирчан мақола эълон қилинганидан сўнг, Термизда яшов-



чи холаси уни ўз тарбиясига олишга жазм этди. Яна бир қизимиз Меҳри Насиба Икромхоновани ўзимизга фарзанд қилиб оламиз, деб туришибди.

Ҳаётда яхшилик, меҳру оқибат қолади. «Ишонч»нинг 1000-сон чикши муносабати билан таҳририят Меҳрибонлик уйи болажонларига ажойиб совға — видео-магнитофон тақдим этди. Биз — журналистларга кадрдон бўлиб қолган ўғил ва қизларнинг қанчалик қувонганликларини кўрсангиз эди. Ҳар бирларининг кўзларида меҳр порларди...

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
«Ишонч» муҳбири.

Суратда: Меҳрибонлик уйи болаларига журналистлар совғаси топширилмоқда.

Қарор ва ижро

Кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил май ойидаги кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда тижорат банклари иштирокини рағбатлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори тадбиркорларга қанот баҳиш этди. Уларга қўшимча шароитлар яратилди. Айниқса, тижорат банклари томонидан кредит ва микрокредитлар бериш жараёни соддалаштирилганлиги омилкорлар ишига унм бағишлади.

КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСНИ КРЕДИТЛАШ

янги иш ўринлари яратиш имконини бермоқда

«Пахтабанк»нинг Самарқанд вилояти бошқармасида бу борада аниқ тадбирлар амалга оширилмоқда. Банк томонидан 9 ой мобайнида кичик ва ўрта бизнес корхоналарига 427,1 миллион сўм кредит берилди. Шундан 76,9 миллион сўми бюджетдан ташқари фондлар, 350,2 миллион сўми эса банк ресурслари ҳисобига тўғри келди. Фойда ҳисобидан ташкил этилган имтиёзли кредитлаш фонди шарофати билан тадбиркорларга 26,1 миллион сўм ажратилди.

Шу боис вилоятда қандай фойдаланилмоқда? Мисолларга эътибор қаратсак. «Ориен-парранда» фермер хўжалиги маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, янги иш ўринлари яратиш орузида «Бизнес-фонд» жамғармаси орқали 10 миллион ҳамда банк маблағи ҳисобидан яна шунча микдорда ёрдам олди. Маблағ жой-жойига ишлатилди. Ишлаб чиқариш жараёнилари такомиллаштирилиб, янги жихозлар келтирилди. Ҳозирги кунда «Ориен-парранда» фермер хўжалиги кунига 40 минг дона атрофида тухум сотмоқда, банкка ўрта ҳисобда 750 минг сўмлик тухум қилинган. Иш ўринлари кенгайди. 50 киши янги иш ўринлари билан таъминланди.

Иштихон туманидаги «Шалдиқор» фермер хўжалигида омилкор, ташкилотчи кишилар меҳнат қилишди. Улар 2,5 миллион сўм кредит олиб, қорамоллар

бош сонини 10 тага кўпайтирдилар. Айни вақтда аҳолининг чорва маҳсулотларига талаби қондирилмоқда.

Каттақўрғондаги «Беклар» хусусий фирмасида янги цех ишга тушди. У 130 нафар кишини муқим иш билан таъминлади. Харидорги маҳсулотлар сони кўпайиб бормоқда.

Бирлашма касса режаси ва пул муомаласини амалга оширувчи асосий банк сифатида фаолият кўрсатади. Шу боис вилоятда эмиссия даражасининг камайиши ёки кўпайиши ҳо-димларнинг ўз вазифасига қандай муносабатда бўлишига боғлиқдир. Таъкидла-нишча, бу ерда эмиссия даражаси пасайиб бормоқда. Пул муомаласи барқарорлашмоқда. Бирок, баъзи камчиликларга барҳам берилиб, муаммолар вақтида ҳал этилса, ютуқлар яна-да салмоқли бўларди. Банк мутасаддилари томонидан 9 ой ичида пул муомаласини барқарорлаштиришни таъминлаш мақсадида ре-жали текширишлар ўтказилди. Аниқланган камчи-ликлар юзасидан 6 ҳолат бўйича прокуратурага, 132 ҳолат бўйича солиқ орган-ларига тегишли материал-лар тақдим этилди. Нати-жада 119 та қорхонгага жазо чоралари қўланилиб, раҳ-бару мутахассисларга 3 миллион 768 минг сўм жа-рима солинди.

Ф. ЮСУПОВ,
«Ишонч» муҳбири.

Касаба уюшма эконкуярлари

УМРНИНГ САТИН ДАМЛАРИ



Иш куни яқунланди. Касабақўм раиси Ольга Горьяная ўзига таниш ва қадрдон йўлдан одимлаб бораркан, негадир, бир кун аввал ҳузурига ёрдам сўраб келган ишчини, унинг болаларини кўз олди-га келтирди. Ҳаёт мураккаб, инсон баъзида ношукрлик қилади, эрта-га нима бўларини билмайди. Бўлмасам, Алексейга ҳамма ҳавас қиларди. Ташкилотчи, янгилик-ка ўч бу йигит тез орада кўпчилик ҳурмати-ни қозонди. Бирок, саломат-лигини асрай олмади. Бундайларни қўллаб-қув-ватлаш, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш ка-саба уюшмасининг би-ринчи галдаги вазифаси.

Ольга Горьяная маъмурият билан маслаҳатла-шиб ўша кунийқ касал-манд ишчининг мушқули-ни осон этди. Фарзанди-ни болалар боғчасига жойлаштиришда кўмак-лашди. Ҳаётнинг ўзи эн-ди яхши муаллим экан. У кўп йиллик меҳнат фаолияти мобайнида ҳодимлар са-ломатлигини мустаҳкам-лаш, аёлларни эъзозла-ш, таътилга чиқаётган ҳар бир ишловчига бир ойлик маош микдорига қўшим-ча ҳақ тўлаш, нафақақў-ларга яратилган имтиёз-лардан тўлиқ фойдала-нишларини таъминлаш йўлида қатъиятлик кўрсати-ш келди. Шу йилнинг ёзида қорхона ишчилари аксарияти фарзандлари билан «Баҳмал», «Горняк» оромгоҳларида кўнгилли хордик чикардилар. Дори-дармон маъмурият ва ка-саба уюшма ҳисобидан ажратилмоқда.

Касабақўм раиси кенг доирада фикр юратиди-ган меҳри дор инсон. Йигилишларда, ишчи-хиз-матчилар билан ўзаро суҳбатларда савобли иш-ларга шерик бўлишга ундайди. Сазй-ҳаракатлари зое кетмаёпти. Меҳрибон-лик уйлари, маҳалалар-даги ёрдамга муҳтож хо-надонларга ёрдам уюшти-риш ташаббусқори бўлди. Айниқса, Кармандаги «Меҳрибонлик уйи»га ёр-дами кўп сингди. Шу боис «Навоийсаво» хўссадор-лик жамиятида бўлиб, ким билан суҳбатлашсанг-Ольга Горьяная ҳақида яй-раб гапиради.

Я. САРИЕВ,
«Ишонч» муҳбири.

2000 йил — Соғлом авлод йили

«УМИД ГУЛШАНИ» САНАТОРИЙСИ


афзаллиги нимада?

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармаси шифо масканлари ишини жаҳон андозалари даражасига кўтариш юзасидан аниқ тадбирларни амалга оширяпти. Санаторийларнинг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, ётоқ бинолари, маданият масканларини қайта таъмирлаш, уларни замонавий тиббиёт асбоб-усқуналари билан жиҳозлашга илҳос билан киришилган. Масалан, «Гулпаршин», «Оқтош» санаторийларида «Она ва бола» бўлимлари ишга тушди. «Мироқи», «Бўстон», «Чортоқ»да ҳар томонлама қулайликларга эга бўлган замонавий соғломлаштириш масканлари бунёд этилди.



Шу йил феврал ойида Қибрай туманида очилган «Умид гулшани» шифо масканида шу кунга-ча 1500 нафардан ортиқ киши даволанди. Эътиборлиси шуки, фарзанд кўриш умидида ташриф буюрганларнинг аксарияти орзусига эришмоқда. Кимё Муродова, Шоира Хўжаева, Шокиржон Ашуров сингари малакали шифокорлар хизмати таҳсинга лойиқ.

Беш қаватли бино хоналари замонавий ме-беллар билан жиҳозланган. Даволанувчилар ало-



ҳида ванналардан фойдаланишлари мумкин. Дам олиш жойларида, хоналарда телевизор бор. Видеосалон, дискотека ҳам ишлаб турибди. Биллиард, теннис, шахмат-шашка ишқибозларига ҳам шароит яратилган.

Яқинда шифо маскани ходимлари ҳаётида қувончли воқеа содир бўлди. Бу ерда КУФК бошчилигида касаба уюшмалари ижтимоий суғурта маблағи ҳисобидан ажойиб даволаш ташхис маркази очилди. У гоаят қисқа муддатда ишга тушди. Афзал томонларидан бири шуки, марказда энг ноёб хориз асбоб-усқуналари бор. Фурсатдан фойдаланиб, фарзанд кўриш умидида юрган кишиларни «Умид гулшани»га таклиф этамиз.

Акмал Йўлдошев,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармаси бошлиги.

Матбуот сўзининг таъсири

НОГИРОН МУШКУЛИ ОСОН БЎЛДИ

Газетамизнинг шу йил 24 сентябр сонида «Ногиронни қўллаш шунчалар қийинми?» сарлавхали танқидий мақола босилган эди.

Унда «Жумабозор» деҳқон бозори ходими А.Паанаев ишдан гайриқонуний бўшатирилганлиги, баъзи раҳбарларнинг ногирон тақдирига бефарқлиги, у мажбурий бекор юрган вақти учун товон пули, ногиронлик нафақасини ундириш юзасидан суд қарори бўлишига қарама-санд қонуний ҳақини оломлай саргардон бўлаётганлиги танқид қилинган эди.

Газетанинг ушбу чиқиши юзасидан қуйидаги жавоб олинди.

Мақола туман ҳокимлигида атрофида муҳокама қилинди. Масыули-

ятсиз, лоқайд кимсалар фаолиятига муносиб баҳо берилди. Ногирон мушқули осон этилди. Жорий йилнинг 9 ноябрда А.Паанаев қонуний ҳақи — 100 минг сўм пулини олди.

И. ТУСУНОВ,
Тойлоқ тумани ҳокими ўринбосари, назорат инспекцияси бошлиги.

ҚУРИЛИШГА БИРИНЧИ ГИШТ ҚЎЙЛДИ

Шахрисабздаги «Савдо» хўссадорлик жамиятида янги, йилига 4800 тонна ип-калава ишлаб чиқарадиган «Оқсарой-Тўқимачи ЛТД» қўшма корхонаси қурилишига биринчи гишт қўйилди.

Қурилиш ишларининг бошлаб юборилганлиги вилоятда пойабзал ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг истиқбол қандай бўлишини тасав-вур қилишга имкон беради.

Трикотаж фабрикасида асосан болалар ва хотин-қизлар кийимлари тайёрланади. Ҳозирги кунда корхонанинг 5 та ишлаб чиқариш цехида 210 нафардан ортиқ хотин-қизлар меҳнат қилишмоқда, — деди хўссадорлик жамияти раиси Х.Каримов. — Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида ишчилар режадаги 1848 минг ўрнига 1856 минг дона трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқардилар. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми солиштирма нархларда 132 миллион сўмга етказилди. Утган йилнинг шу даврига нисбатан эса 8,4 фоизга кўпайди. Маҳсулот сотиш ҳажми 9,5 фоизга ошди. Савдо тармоқларига 193 миллион 741 минг сўмлик турли хил трикотаж маҳсулотлари етказиб берилди.

Раиснинг таъкидлашича, утган тўққиз ойда ҳар бир ишчи 425 минг сўмликдан ортиқ трикотаж маҳсулотлари тайёрлашга эришди. Салима Норбобоева етакчилик қилаётган тикув цехи чеварлари хамиша пешқадамлар сафида боришмоқда. 48 нафар тикувчи ишлаётган Асқар Бобокўлов етакчилигидаги тикув цехи ишчилари эса келтирилаётган хомашени қичитсиз, тез ва соз тўкиб беришга эришяптилар.

— Ҳар бир ишчининг меҳнати муносиб қадрланяпти. Корхона маъмурияти касаба уюшма, хотин-қизлар кўмитаси билан биргаликда ҳар бир ишчи, меҳнатқашни эъзозлаб қимматбаҳо мукофотлар билан рағбатлантиришмоқда. Шу билан бирга 120 ўринли ошхона, тиш даволаш, физиотерапия ва хотин-қизларни даволаш хоналари, кутубхона, пойабзал тузатиш устaxonалари улар хизматидадир.

«Туркистон-пресс»



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашида энг тажрибали, билимдон ҳуқуқ мутахассислари фаолият юри-тадилар. Уларнинг ташкилотчилиги, меҳнатқашлар манфаати билан боғлиқ ҳар бир масалага ўта масъулият билан ёндашаётганликлари боис газетамизда ҳуқуқий маслаҳатхона мунтазам равишда бериб бориляпти.

Суратда: тажрибали ҳуқуқшунослар (чапдан) Ҳамидулла Премқулов, Карим Мухторов ва Маҳмуджон Исаевлар газетхонлардан келган саволлар ҳусусида ўзаро фикрлашишмоқда.

Икром ҲАСАНОВ
олган сурат.

Иснод

Ҳаётда ҳасад билан эмас, ҳавас ила яшаш керак. Қўролмаслик, пулга тузоқ қўйиш, ҳаромдан ҳазар қилмаслик охири-оқибат инсонни эл-юрт ўртасида шармандаю шармисор қилади. Ҳаётда бунга мисоллар оз эмас.

Муҳибилло ишдан уйга қайтаётганиди. Автотуб бекатида унинг ёнига янги «Нексия» келиб тўхтади. Мактабдош дўстини кўриб боши осмонга етди. Машина манзил томон елдек учди. Муҳибилло гап орасида дўстига зимдан назар ташлади. «Ҳаёт қизиқ экан. Мендан кўчириб баҳо олиб юрарди. Мактабни амал-тақал қилиб битирди. Бирок тоғалари ёнига олган, иши юришиб кетди. Уй-жойни ҳам гўмбирлатиб юборган дейишади. Эҳ, шундай қобилиятим бўлсаю, пулга ёлчима-сам.» Ҳаёлида ана шу фикрлар чарх урган сайин руҳи тўшиб, асабийлашарди.

Ҳасад ўти йигитга тинчлик бермади. Хўш, нима қилса, мўмай пул топиш мумкин. Ўйлаб-ўйлаб ярамас ишга қўл урди. Яъни, кам таъминланган оилалар фарзандларига нафақа олиш учун бериладиган ва корхонанинг қатъий ҳисобида турган варақани қўлга киритди. Унга ўзининг иш ҳақи ва бошқа даромадларини камайитириб ёзди. Сўнг эгри йўллар билан ўзи ишлайдиган «Наманганкурилишйигиш» акционерлик жамияти муҳри-ни варақага чамбаргулдек босиб олди. Таппа-тайёр ҳужжати Шайхон қишлоғидаги маҳалла кўмитаси комиссиясига тақдим этди.

— Ёрдам бермасаларингиз бўлмайди, жўжабирдай жонман, қолаверса саломатлигим яхшимас, — дея мўлтиради Муҳибилло кўзига ёш олиб.

минланганлар қаторида нафақа ола бошлади. Таажжубки, қўл қўйиб муллажирининг кўртдек санаб олаётганида озгина бўлсин виждони қийналмади. Бирок қинғир ишининг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам билинади, деганларидек, унинг найранги кундек равшан бўлди-қўйди. Туман молия бўлимидан келиб, тафтиш ўтказишдан сувдан ҳолва ясаб юрган Муҳибилло ер қизиб қолди... Кўп ўтмай сохта ҳужжат орқали ўзлаштирган давлат маблағини қайтаришга мажбур бўлди.

ТУБАНЛИК ТУБАНЛИК

ёрдамга муҳтожлар ризқига чанг солган қаллоблар

Тегишли давлат идораси вакилининг таъкидлашича, агар вақтида қатъий чоралар қўрилмаганида юқоридаги каби касаллик авж олиб кетарди. Хайриятки, ёрдамга муҳтожлар, етим-есирлар ҳақида кўз олайтирган виждонсиз кимсалар текширувларда фош этилди.

«Деҳқонмойтаъминот» хўссадорлик жамияти ишчилари Муҳаммадсоли ва Муҳаммадмусо Шамсиддиновлар ташкилот ҳисобчиси Солиҳжон Муҳиддинов билан тил бирикти-

риб, сохта ҳужжат тўғрилаб, давлат маблағини умардилар. Аслида инсон бөлосини билиб бўлмас экан. Бураматут қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги маҳаллада истиқомат қилувчи Замира Зайлобиддиновани кўпчилик яхши ташкилотчи, тўю маракаларга бош-қош бўладиган инсон сифатида та-нирди. Ҳамқишлоқларига одамлиликдан, меҳру оқибатдан савоб берадиган бу аёлнинг ўзи сохта ҳужжат тақдим этиб, узок вақт мобайнида нафақа олиб келибди. Энди эса минг пушаймон қилиб, маҳалла фаолларидан кеचирим сўраб ўтирибди...

Ким-ким ўқитувчилар орасида учарлар, кўзбўямачиларнинг бўлиши жуда ёмон. 61-таълим мактаб муаллими Соҳиба Расулова қаердандир топган сохта дипломини илм маскани маъмуриятга тақдим этиб, олий маълумотли мутахассис сифатида иш ҳақи олиб келган. Қизиги шундаки, унинг ҳаёт тарзини яхши билган, ҳеч қаерда ўқимаганлигидан хабардор кишилар ҳам лом-ним дейишмаган. Чамаси, ҳали ҳам давлат бу бизнинг ўзимиз эканлигини чуқур англаб етмаган кўринимиз.

Ҳаётда ҳалол ишлаб, топганига шукур қилиб ишлаганга нима етсин. Виждонга қарши бориб ёрдамга муҳтожлар, етим-есирлар ҳақида кўз олайтирганларнинг икки дундиси қорадир.

А. ҚУРОНБОВЕВ,
Тўрақўрғон тумани прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси.

Спорт — соғлом авлод хизматида

Жисмоний тарбия ва спорт ёш авлоднинг жисмонан соғлом, руҳан баркамол инсонлар бўлиб вояга етишида нечоғлик аҳамиятга эга эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Мамлакатимиз дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини топишида ҳам айнан спортнинг роли бекиёслиги ҳақиқат. Шу боис, республикамизда унинг ривожини таъминлаш бўйича ҳуқуқий пойдевор, иқтисодий замин яратилди. Бу ўз самарасини кўрсатиб, спорт соҳасида дунё мамлакатлари орасида муносиб ўрнини эгаллашди. Жаҳон майдонларида вакилларимизнинг юксак жисмоний салоҳияти, иқтидорлари эътироф этилди. Хусусан, яқингинада Сидней рингларидан олимпиада голиби сифатида кайтган боксчимиз Мухаммадқодир Абдуллаев бутун ўзбекистон, Ўзбекистоннинг фахрига айланди.

ЧИНИҚИШ

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Жисмоний тарбия ва спорт жамияти бошқаруви, унинг вилоят бўлимлари жойларда спортнинг оммавийлигига эришиш йўлида аниқ режа асосида иш олиб бормоқда. Хар йили барча тармоқ касабаси уюшмаларининг спартакиадалари зўр муваффақият билан ўтказилиб, уларда минглаб ишчи-хизматчилар ва фарзандларининг иштироки таъминланмоқда. Бу иқтидорли оилавий спортчилар етишиб чиқишига омил бўлмоқда.

Дарвоқе, ўғил ва қизларимизни у ёки бу спорт турига жалб этиш, иқтидорли ўсмир ёшларни тарбиялаб, уларнинг етук спортчи бўлиб камол топишида тизимимиздаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг роли катта бўлмоқда. Шу ўринда рақамларга мурожаат этсак. Касабаси уюшмалари қарашли мавжуд 108 та БУСМда айни кунда 30 мингдан ортиқ ёш спортчилар тарбияланмоқда. Агар ўтган 9 йиллик натижаларга назар ташласак, уларнинг маҳорати йилдан-йилга ошиб бораётганлигининг гувоҳи бўламиз. Масалан, 1998 йилда 14 нафар тарбияланувчиларимиз халқаро тоифадagi спорт устаси талабини бажарган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 17 тага етди. Шунингдек, турли спорт турлари бўйича миллий терма жамоаларимиз таркибига қабул қилинганлар сони ҳам ортиб бормоқда.

Асримизнинг энг сўнгги XXVII Олимпиада йилларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган спортчиларимизнинг 24 нафарини касабаси уюшма вакиллари ташкил этди. Бирок, очкини айтсам, уларга омид кулиб боқмади. Грек-рим кураши бўйича Баҳодир Қурбонов бешинчи, байдарка ва канозда сузиш баҳсларида Антон Ряхов ўн олтинчи ўринлар билан кифояланганини, холос. Айни пайтда сабоқлардан тўғри хулоса чиқариб бўлажак беллашувларга пухта тайёргарлик кўриломоқда.

Баҳодир ТОЖИЕВ, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Жисмоний тарбия ва спорт жамияти марказий бошқаруви раисининг ўринбосари.

Навоий шахрида буюк шоир ва давлат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллик юбилейига тайёргарлик ишлари кизгин бошланиб кетди. Шаҳар маданият ва истироҳат боғи билан туташ ҳудудда Алишер Навоий боғи қурилиши жадал олиб борилаётганда. Бу ерда шоирга ҳайкал ўрнатилади, музей ҳамда кутубхона қурилади.

АЛИШЕР НАВОЙЙ НОМИДАГИ БОҒ

Юбилей тантаналарига вилоят маданият ишлари бошқармаси жамоаси ҳам қатнаш тайёргарлик кўрмоқда. Маданият ходимлари ташаббуси билан вилоят кутубхонасида «Буюк ўзбек шоири 560 ёшда», «Алишер Навоий - газал мулкининг султони» каби мавзуларда китоб кўргазмалари ташкил этилди. Вилоят бадий ҳаваскорлик жамоалари «Навоий навалари» деб номланган театрлашган томоша, макомчилар дастаси эса Навоий газаллари билан айтаётган кўшиқлар туркумини тайёрламоқда.

ТАЛАБАЛАР ҚУВОНЧИ

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларини ҳаётга жорий этиш юзасидан белгилаган тадбирларига кўра республикамизда олий ўқув юртларида таълим олаётган талабаларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш борасида қатор ишларни амалга оширмоқда. Шундай хайрли ишлардан бири «Халқаро талабалар ва ёшлар куни» муносабати билан ўтказилди.

Марказий кўмита Тошкент шаҳар таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси билан ҳамкорликда республикамизнинг турли вилоятларидан келиб, пойтахтдаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалар учун Ўзбекистон Миллий университетининг Маданият саройида тадбир уюштириди. Унда Тошкент шаҳрида таҳсил олаётган 193 нафар иқтидорли, жамоатчи талабаларга Марказий кўмитанинг эсдалик совгалари топширилди. Шунингдек, 14 талаба Фахрий ёрлик билан тақдирланди.

Тадбирда иштирок этган Тошкент шаҳар олий ўқув юртлари бадий ҳаваскорлар тўғрисида аъзоларининг қизиқарли концерт дастури йиғилганларда яхши таассурот уйғотди. Она Ватан, гўзал ёшликни тараннум этувчи дилрабо кўшиқлар тадбир иштирокчиларига завқ-шавқ бағишлади.



Бундан ташқари, пойтахтда таълим олаётган 400 нафар талабанинг Самарқанд шаҳрига саёҳати уюштирилди.

Маҳмуда МИРЗАЕВА, Марказий кўмита ташкилий ишлар бўлими етакчи мутахассиси.

ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ АБАДИЙЛАШТИРИЛДИ

Ўтган йили мамлакатимизга Тошкент вилояти ҳудуди орқали суқилиб қирмоқчи бўлган террорчи тўдаларга қарши кураш чоғида Янгиобод шаҳар ички ишлар бўлимининг бошлиғи, милиция подполковниги Валерий Говорухин, унинг биринчи ўринбосари, милиция майори Бахтиёр Пулатов, жиноят-қидирув гуруҳининг катта тезкор вакили, милиция майори Абдуманнон Қорабоев қаҳрамонларча ҳалок бўлган эди. Бугун халқимизнинг ана шу мард ўғлонлари хотираси абадийлаштирилди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамда ички ишлар бошқармаси томонидан Янгиобод шаҳар ички ишлар бўлими биносида қурбон бўлганлар хотирасига ёдгорлик ўрнатилди. Ангрин шаҳридаги кўчалардан бирига эса В.Говорухин номи берилди. Бекобод туманидаги 36-ўрта мактаб Бахтиёр Пулатов, Охангарон туманидаги 32-ўрта мактаб эса милиция майори Абдуманнон Қорабоев номи билан аталмоқда.

Н.ДУШАЕВ, ЎЗА МУХБИРИ

Истиқлол берган имкон

«КАМОЛА» — ХУСУСИЙ ШИФОХОНА

«Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг Давлат дастури тўғрисида»ги Президент Фармони шарофати ила Жиззахда хусусий даволаш масканлари сони кўпайиб бормоқда. Улардан бири «Камола» хусусий табобатхонасидир. Бу ерда фаолият юритаётган ходимларнинг барчаси юқори малакали, тажрибали шифокорлар бўлиб, улар соҳа янгиликларини амалиётга дадил жорий этмоқдалар.

«Камола»нинг бошқа шифоналардан фарқи шуки, бу ерда ўрта Осиё республикаларида ҳам қўлланилмаётган ажойиб усулдан фойдаланилмоқда. Яъни, Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Электроника» илмий-тадки-

режасига биноан вилоят Бизнес жамғармасидан 3 миллион 626 минг сўм қарз олиниб, урология маркази ҳамда физиотерапия бўлими очилди.

Урология марказида энгил жарроҳлик ишлари муваффақиятли амалга ошириляпти, дейди шифохона раҳбари Исомиддин Турсунов. — Марказ қошида клиник лаборатория, физиотерапия бўлими ҳам мавжудлиги жуда асқотмоқда. Парадентолог-шифокор Назира Қулибоева, ортопед Фарход Раҳматуллаев, жарроҳ Абдурауф Йўлдошев, кардиолог Дилбар Жалолова фаолиятидан барча миннатдор.

Ш.ЁҚУБОВ.

БОШҚОТИРМА

ISHONCH 1000 crossword puzzle grid with logo and text.

Азиз муштарийлар! Ушбу бошқотирма газетамизнинг 1000-сонига бағишланади.

- Белгиланган хонадан соат мида бўйича рақам атрафияга: 1. Мехнаткашлар манфаатини қонунга асослаб ҳимоя қилувчи бўлим. 2. Газетани доимий ўқиб бориш кафолати. 3. Газета манзилгоҳи. 4. Оммавий ташкилот. 5. Тасвирий санъат устаси. 6. Шарқ дарвозаси. 7. Дил изҳори. 8. Матбуот ходими. 9. Рукн. 10. Газетанинг илк сони нашр этилган кун. 11. Камчилик-нуқсонлар тилга олинган мақола. 12. Қадимги урф-одатларимиз. 13. Газетачиликда асосий насрий жанр. 14. Фаол ҳаракатта чақирик. 15. Дозларб масала. 16. Ёш ижодкорларга нисбат. 17. Бадий асар. 18. Тинчлик элчиси. 19. Газета варағининг бир томони. 20. Муаммо ечими кўрсатилган мақола. 21. Ақлий спорт ўйини. 22. Ҳажвичи расом. 23. Адо этилиши зарур бўлган топшириқ. 24. Пурмаъно ибора. 25. Муайян мuddатда бажарилиши лозим бўлган қўлланма, йўл-йўриқ. 26. Миллионлар ўйини. 27. Яқин дўстлар табриги. 28. Шоирлар машварати. 29. Йиллар давомида орттирилган маҳорат. 30. Рукн: «Соғлом... тарзи». 31. Истеъдодни чархловчи олим. 32. Нашрининг хар донаси. МУАММОНОМА Аввало қўйида таърифлари баён этилиб, рақамларда ифодаланган сўзларни топиб очкини ҳал этинг. 1. Давлат рамаларидан бири — 17, 16, 9, 18. 2. Газетани нашр этувчи муассаса номи — 13, 1, 9, 11. 3. Шамсия йили ҳисоби бўйича газетанинг йирик сони нашр этилган ой — 10, 1, 3, 1, 20. 4. Газетанинг мучал йили — 11, 19, 5. 5. Тасвир — 14, 12, 9, 1, 8. 6. Асарга берилган баҳо — 8, 1, 11, 9, 2, 6. 7. Ақлу заковат эгаси — 7, 15, 4, 7. Жавоб сўзлар асосида шаклнинг атрофи ва ички қисмидаги ёйларда берилган рақамларни мос харфлар билан алмаштириб муаммонимани ечинг. Уларда сиз азизларга айтилган эзгу истагимиз аён бўлади. ҲАМИДУЛЛА ОРИПОВ ТУЗДИ.

ГАЗЕТАНИНГ 167-СОНИДА БЕРИЛГАН БОШҚОТИРМА ЖАВОБЛАРИ ЭНИГА: 1.Мақтов. 3.Остона. 8.Красноводск. 10.Вена. 11.Жилово. 13.Омон. 16.Энака. 17.Сазна. 18.Рим. 19.Мос. 20.Экран. 23.Равиш. 29.Арра. 30.Ҳамма. 31.Ишва. 34.Манасхариш. 35.Ногора. 36.Тандир. БЎЙИГА: 1.Москва. 2.Олам. 4.«Садо». 5.Афшона. 6.Аножир. 7.Авлод. 8.Каноп. 9.Камон. 12.Лоф. 14.Ахраб. 15.Масал. 21.Карам. 22.Кум. 24.Иршод. 25.Жайрон. 26.Ҳасса. 27.«Ямаха». 28.Капир. 32.Анор. 33.«Арта».

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Таҳрир хайъати: Ж.Алимуҳжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Махсуслик: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Умумий адади 14.002 нуска. Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаханаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 21.00